2017 ЙИЛ 29 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (13.466)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "ЛУКОЙЛ" КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Россиянинг нефть-газ соҳасидаги ушбу компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Жаҳоннинг етакчи нефть-газ корпорацияларидан бири бўлган "Лукойл" мамлакатимизда истиқболли конларни қидириш ва ўзлаштириш, углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорларга сотиш каби қатор йирик инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Айни пайтда Устюрт блокини геологик ўрганиш ва Жанубий-ғарбий Ҳисор нефть-газконденсат конини ўзлаштириш ишлари ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Қандим конлар гуруҳини тартибга келтириш ва газни қайта ишлайдиган замонавий мажмуани барпо этиш ишлари бажарилмоқда. Мазкур завод яқин истиқболда йилига 8 миллиард куб метрдан зиёд табиий газни қайта ишлаб, харидоргир газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Бундан ташқари "Ҳавзак" ва "Шоди" конлари ўзлаштирилмоқда, Қўнғирот участкасида геология-қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда "Лукойл" компанияси томонидан мамлакатимиз нефть-газ соҳасидаги қўшма лойиҳаларга жалб этилган инвестициялар ҳажми 6,3 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда узоқ муддатли ҳамкорликнинг амалдаги лойиҳаларини амалга ошириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қазиб олинадиган табиий газни чуқур қайта ишлашга доир янги лойиҳалар, шунингдек, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Вагит Алекперов Президентимиз Шавкат Мирзиёевга қабул ва Ўзбекистонда "Лукойл" компанияси лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик изҳор этди, нефть-газ соҳасида кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ФОРУМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Жамият ривожланишида тадбиркор хотин-қизларнинг роли" мавзуида тадбиркор аёлларнинг биринчи форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Тадбиркор аёл" уюшмаси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган форумга вазирлик ва идоралар мутасаддилари, бизнес ва молия, ҳуқуқ соҳаси вакиллари, олимлар ва экспертлар, ишбилармон хотин-қизлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Муҳиддинов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид амалий ишларнинг бардавомлиги изчил таъминланаётганини таъкидлади.

Аёлларни эъзозлаш, уларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини ҳаётга жорий этишга кўмаклашиш, соҳага доир миллий қонунчиликни муттасил такомиллаштириш масаласи Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини, шунингдек, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти юзасидан ахборотини кўриб чиқдилар.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралда қабул қилинган "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ижро этиш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ваколатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари олдидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир.

Депутатлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Таъкидландики, қонун лойиҳаси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, хусусан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунларни янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва айниқса фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилгандир. Қонуннинг қабул қилиниши ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

"Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига асосан мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, шу жумладан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг олдини олиш чораларини кўрмаслик, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, ер бериш тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

"Формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизми тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ, махсус формали кийим-бош кийиб юриши белгиланган вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ҳарбийлари ва ходимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ҳамда махсус кийим-бошини бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар кийиб юрганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда. Мажлисда таъкидландики, бундай қилмиш учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилиши мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг янада тартибга солинишини таъминлайди, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш ҳолларига чек қўйиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ХАЛҚНИНГ МАСЛАКДОШИ ВА КЎМАКДОШИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 28 июнь куни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда парламент аъзолари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий кенгашларнинг ташкилий йиғилишларида сайланган делегатлар иштирок этди. Анжуманнинг видеоконференцалоқа тизимида ташкил қилингани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар аъзоларига конференция жараёнини онлайн кузатиб бориш имконини берди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Конференцияда Қарши шаҳар "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зохиров, Бахмал тумани "Гулбулоқ" ҚФЙ раиси У.Ҳамроев, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Чимбой тумани бўлинмаси раиси Б.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида маҳалла институтини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинлари манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан мазкур тизим фаолиятида янги тараққиёт босқичи бошланди, тузилма тубдан ислоҳ қилиниб, замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Мазкур фармонга мувофиқ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига юридик шахс мақоми берилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида мамлакатимизнинг туман ва шаҳарлари, май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ташкилий йиғилишлари ўтказилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг таркиби, кенгашлар раислари лавозимига тегишинча туман (шаҳар)лар ва вилоятлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгашлар котиблари тасдиқланди. Кенгашларнинг намунавий низомлари муҳокама этилди.

Айни пайтда ҳар бир фуқаролар йиғинида шакллантирилган Жамоатчилик назорати гуруҳи маҳаллалар ва оилалардаги, айниқса, эҳтиёжманд оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганмоқда. Фуқаролар йиғинлари моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида намунавий лойиҳалар асосида "Маҳалла маркази" мажмуалари барпо этилиши, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари учун "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони таъсис этилгани фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишда муҳим омил бўлади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, "адолат тарозиси"га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Республика кенгашининг таъсис конференциясида давлатимиз раҳбари фармонида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти, мазкур ҳужжат ижросини таъминлашда Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ва фуқаролар йиғинлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги йиғилишда сўзлаган нутқида маҳалла институти фаолиятига доир белгиланган устувор вазифалар, уларнинг ижроси ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида босқичма-босқич кутубхоналар ташкил этиш, жойларда "Маҳалла китобсеварлари" ҳафталигини ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Мафкура соҳасида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмаслиги, инсоннинг қалби, онгу тафаккури ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамаслиги, мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ана шу маънавий озиқни, аввало, ўзи яшаётган муҳитдан олиши кераклиги қайд этилди. Акс ҳолда бу мафкуравий бўшлиқни турли бузғунчи кучлар эгаллаши ҳеч гап эмас. Бугунги глобаллашув даврида бунга бепарво бўлиш – фарзандларимиз тақдирини хатарга қўйиш деганидир.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган даъватга бугун "Ўз болангни ўзинг асра!" деб қўшимча киритиш вақти келганини таъкидлагани зиммамизга катта масъулият юклади, фаолиятимизга янгича ёндашиб, ишлаш усулларимизни замон талаблари асосида қайта кўриб чиқишга ундади, – дейди Андижон вилояти Хўжаобод тумани "Шаҳрихонсой" МФЙ раиси, сенатор Тожибар Йўлдошева. – Шу пайтга қадар уюшмаган ёшлар билан ишлашда аниқ тизим бўлмагани, улар дардини, орзу-мақсадини кимга айтишни, ким билан маслаҳатлашишни билмагани боис айрим ёшлар турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолгани, ёшлар ва ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар ортгани аччиқ ҳақиқат. Бугунги анжуманда бу борада йўл қўйилган хато-камчиликларни таҳлил қилиб, истиқболдаги вазифалар борасида фикрлашиб олдик.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга сафарлари давомида маҳаллаларга ташриф буюрмоқда, фуқаролар йиғини ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишиб, халқ билан мулоқот қилмоқда. Президентимиз шу йил 25 март куни Юнусобод тумани Увайсий номидаги маҳалла ҳаёти билан танишар экан, "Маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, мустаҳкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳволидан, қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундагина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, таклифини, дардини бемалол айтади, муаммосига ечим топади", деб таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида маҳаллий хомашёдан цемент ишлаб чиқарувчи "Karakalpak sement" корхонаси иш бошлади. Корхонанинг умумий қуввати йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, умумий инвестиция қиймати 40 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 17 миллион доллар миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилди. 200 дан зиёд аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.

• Жиззах шаҳридаги тадбиркорликка кўмаклашиш марказида енгил саноат соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун семинар-тренинг ўтказилди. "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси ҳамда вилоятда енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

• Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонини топширишга бағишланган маросим ўтказилди.

• Наманган вилоятида Тошкент шаҳридан келган юқори малакали шифокорлар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган Саломатлик ҳафталигида Республика ихтисослаштирилган кардиология, эндокринология, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти олим ва шифокорлари қатнашди.

• Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битирган ёш мутахассисларга диплом ва кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги метрода ҳаракатланаётган поезднинг издан чиқиб кетиши натижасида 30 дан ортиқ киши жабрланди.

• Бутун жаҳондаги компания ва муассасалар оммавий ҳакерлик ҳужумига дучор бўлди. Бундан айниқса Украина ва Россиянинг компаниялари кўпроқ жабр кўрди.

• БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури ҳисоботига кўра, бугунги кунда дунёда 800 миллион киши тўйиб овқат емасликдан азият чекмоқда. Шундан 300 миллион нафари болалардир. 20 миллиондан ортиқ одамга очлик туфайли ўлим хавф солмоқда.

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ХАЛҚНИНГ МАСЛАКДОШИ ВА КЎМАКДОШИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Кеча Увайсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, тажриба алмашдик, – дейди Самарқанд шаҳридаги "Лолазор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ирода Юсупова. – Бизнинг маҳалламиз каби бу ҳудудда ҳам турли миллат вакилларидан иборат аҳоли яшар экан. Маҳаллаларда миллатлараро тотувлик, халқимизга хос дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада кучайтириш мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги асосини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини тузиш, кенгаш аъзоларини тасдиқлаш, кенгашнинг Устави ва рамзи лойиҳаларини муҳокама қилиш, кенгаш бошқарувини сайлаш, тафтиш комиссиясини сайлаш каби ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Республика кенгашининг раиси, унинг биринчи ўринбосари, ташкилий ишлар ва услубий масалалар, ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгаш котиби сайланди. Республика кенгаши қошида жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Комилов иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

ДЕПУТАТЛАР ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгра депутатлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқдилар. Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Депутатлар шошилинч тиббий ёрдам Давлатимиз раҳбарининг алоҳида назоратида турганлигини қайд этиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартда қабул қилинган "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Депутатлар таъкидлаб ўтганларидек, қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тез тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, сифати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш имконини беради.

– Ўзбекистон Республикасида шошилинч тиббий ёрдам тизими шакллантирилди, тегишли хизматларнинг иши йўлга қўйилиб, улар томонидан беморларга малакали хизмат кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Шерзод Қулматов. – Маълумки, шошилинч тиббий ёрдам ўзига хос хусусиятларга эга, чунки беморлар оғир ҳолатларда ёрдамнинг ана шу турига мурожаат этадилар. Буни инобатга олган ҳолда, депутатлар жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш пайтида шошилинч тиббий ёрдам соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шуни таъкидлаш керакки, республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида тез тиббий ёрдам хизматлари ишлаб турибди, уларнинг бригадалари зарур асбоб-ускуналар, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланган. Шу билан бирга мамлакатимиз Президентининг қарорини бажариш доирасида ҳали кўп ишлар қилиш керак бўлади.

– Бугунги мажлисда депутатларга республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишга доир фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилди, – дея қайд этди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг шифокори Умидулло Рисқиев. – Парламент билан ишлаш бизга катта масъулият юклайди. Айни вақтда олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Тиббий жиҳозларнинг эскирганлиги, кадрлар етишмовчилиги каби долзарб муаммолар Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Зарур дори воситалари билан ўз вақтида таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказимизда ушбу масала алоҳида аҳамиятга эга, чунки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт.

Мажлис давомида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредит билан таъминлашга кўмаклашиш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан ўтказилаётган "Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли", "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" сингари танловлар, хотин-қизларнинг иқтисодий билимларини янада юксалтиришга оид семинарлар, конференция ва форумлар мунтазам ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси аёлларнинг бизнесга доир билимларини бойитиш, мавжуд долзарб масалалар ечимини ҳал этишда мутасадди ташкилотлар вакилларини жалб этиш имконини бермоқда.

Моҳларой Абдунабиева Андижон индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежини 2016 йилда тамомлаб, "Моҳларбегим" ўқув марказини ташкил этган. Бу ерда маҳалладаги 130 дан ортиқ қизга тикувчилик, пазандалик, парда тикиш, тўқиш, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касб сирлари ўргатилмоқда.

– Марказ фаолиятини янада кенгайтириш ниятим бор, – дейди ЎзА мухбирига М.Абдунабиева. – Форумда табдиркорлар учун яратилаётган қулайлик ва имкониятлар, ишбилармонликда кўп йиллар самарали фаолият олиб бораётган бизнес ҳамкорлар билан танишдим.

Зиёда Тўраева Жиззахнинг Фориш туманида 2004 йилда "Марат МН" хусусий фирмасини ташкил этган. Ўз бизнесини балиқчиликда муваффақиятли юритаётган тадбиркорга оила аъзолари яқин кўмакдош.

– Янги технологиялар билан жиҳозланган миницех очиб, унда балиқ маҳсулотларини консервалашни йўлга қўймоқчимиз, – дейди З.Тўраева. – Шу билан бирга тикув цехи, савдо шохобчаси ишлаб турибди. Яқинда гиламдўзлик цехи очишни режалаштирганмиз. Бу қўшимча иш жойи демакдир.

Иштирокчилар учун аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, соҳага оид миллий қонунчилик, экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби мавзулар асосида шўъбаларга бўлинган ҳолда машғулотлар ташкил этилди.

Фаолияти энг яхши деб топилган тадбиркор аёллар турли номинациялар бўйича дипломлар ва ҳорижда малака ошириш учун йўлланма-сертификат билан тақдирланди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА



Янги технологиялар самарадорлик омили

"LOTUS TEXTILE":

КАЛАВА ИПДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Либос – инсон зийнати. Халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кийинишга, кийим танлашга бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби тобора юксалмоқда. Ўсиб бораётган талабни юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар туфайли замонавий жиҳозланган тикувчилик корхоналари кўпайиб, яратувчанлик қобилиятига эга тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Ўз навбатида, ҳар бир ишбилармон истеъмолчиларга сифатли, харидоргир ҳамда бозор талабига мос маҳсулот тақдим этиш кераклигини яхши англайди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Lotus Textile" масъулияти чекланган жамияти – улардан бири. 2015 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур корхонада айни вақтда болалар учун юз турдан ортиқ мавсумбоп кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Болаларга мўлжалланган кийимларнинг ранг-баранглиги, дизайни, сифатига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Корхонада дастлаб 6 нафар ишчи йигирма турда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда ишчиларнинг сони 180 нафарга етди. Корхонанинг савдо дўкони ҳам ишга туширилган бўлиб, унга кирар экансиз, бежирим тикилган, бир-биридан чиройли кийимларнинг қай бирини танлашни билмай овора бўласиз. Сифати юқори, нархи ҳамёнбоп бу маҳсулотларнинг барчаси фарзандингиз учун қулай ва экологик тозалиги билан ажралиб туради.

– Болалар учун кийим бичиш, тикиш жараёни катта масъулият ва эътибор талаб қилади, – дейди корхона раҳбари Акром Мирзаев. – Шу боис дизайнерларимиз гигиеник талаблар ҳамда иқлим шароитини инобатга олган ҳолда либос яратишади. Пахта, ипак каби табиий хомашёлардан фойдаланаётганимиз маҳсулот харидоргирлигини оширмоқда. Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш ниятидамиз.

Болалар кийимини тикиш истиқболларини замон талаби даражасида юксалтиришда корхона етарли тажриба тўпламоқда. Туркия ва Италиядан келтирилган 120 дан зиёд замонавий тикув машиналари ва компьютер технологияси ёрдамида маҳсулот тайёрланмоқда. Улар нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларнинг бозорларига етказиб берилмоқда. Ойига ўртача 70-80 минг дона кийим экспорт қилинаётгани албатта, таҳсинга лойиқ.

Яна бир эътиборли жиҳати. Болалар кийимлари учун керакли матолар корхонанинг ўзида ипдан калава қилиниб, дизайнерларнинг лойиҳалари асосида турли ранг ва гулдаги матолар тўқилиб, сўнгра буюртма асосида бичиб, тикилади. Албатта, бунда нафақат либосларнинг сифати балки, мато сифатини ҳам тўлиқ назорат қилиш имконияти мавжуд.

Зиёда ВОҲИДОВА

Фармон ва ижро

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

2017 йилнинг мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинишида, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этилишига жиддий эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада илгари сурилган ғояда инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизими жорий этилди, ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш мақсадида фуқароларга кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини "ягона дарча" принципи бўйича амалга ошириш тизими янада такомиллаштирилди. Айниқса, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилиши аҳолининг давлат ва жамиятга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси жорий этилди. Бунда қабулхоналарнинг асосий вазифалари сифатида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мурожаат бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ва ариза, таклиф, шикоят тарзида бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш қатъий йўлга қўйилган. Хусусан, 2017 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида жами 2319 та мурожаатлар рўйхатга киритилган ва уларнинг барчаси назоратга олинган. Келиб тушган мурожаатларнинг аксариятида солиқ қонунчилиги бўйича тушунтириш бериш, имтиёзлардан фойдаланиш, корхоналардаги қонун бузилиши ҳолатлари кўтарилган. Ушбу мурожаатларнинг барчаси кўриб чиқилиб ижобий ҳал қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 633 та мурожаатлар тааллуқлилигига кўра ўз ечимини топди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мурожаатга ўз вақтида муносабат билдириш, унда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар белгиланиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ошириб боради ҳамда жамият ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, фуқароларимизнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги янада ошади, энг муҳими, бундай мулоқотдан ҳам давлат, ҳам халқ манфаатдор бўлади.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Бутун жаҳонда тикланадиган энергия манбаларига қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Буларга биринчи навбатда қуёш, шамол ва биоэнергия манбаларини қайд этишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мавжуд бўлган нефть, газ, кўмир ва атом энергияларига нисбатан альтернатив энергия манбаи ҳисобланган тикланадиган энергия манбалари рақобатдошлиги сезиларли ўсди. Бу ўсиш шу даражада ривожланиб борса яқин йилларда тикланадиган энергия манбалари энергия бозорининг асосий қисмини ташкил этади. Тикланадиган энергия манбаларидан бири қуёш энергияси ҳисобланиб, йилнинг асосий қисми очиқ ва иссиқ келиши туфайли Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланишнинг барча иқтисодий йўналишлари бўйича афзалликларга эга.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш тизимлари яратилишининг афзалликлари асосан электр ва бошқа энергия манбалари бўлмаган ҳудудларда тикланадиган энергия манбалари яратган ҳолда халқ хўжалиги ва аҳолининг энергия манбаларига бўлган талабларини қондиришдан иборат. Фойдаланиб келинаётган энергия манбалари асосан кўмир, нефть, табиий газ, сув ва бошқа ресурслар ҳисобига олиниб, катта харажатлар эвазига ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари қазиб олинадиган қазилма бойликларнинг заҳиралари чегараланган бўлиб, унинг миқдори йилдан йилга камайиб боради. Энг ёмон томони табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит ифлосланади ва катта миқдорда қайта ишланмайдиган чиқиндилар ҳосил бўлади. Шу сабабли тикланадиган энергиядан фойдаланишнинг афзалликларини айниқса қуёш, шамол, сув ва бошқа манбалардан олиш йўлларини ўрганиб чиқиш, уларни такомиллаштириш ва қулай оптимал вариантларини ҳаётга татбиқ қилиш шу куннинг талаби ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жойларда аҳоли кундалик эҳтиёжлари учун берилаётган электр таъминотидаги узилишлар ўз навбатида аҳолининг турмуш тарзига салбий таъсир қилади. Ўзбекистон Республикасининг энг қуёшли ва иссиқ қисми бўлган вилоятларимизда биз учун арзон табиий ресурслардан қуёш, шамол, сув энергиясига етарли аҳамият бериб, экологик тоза, атроф-муҳит ҳолатига таъсир этмайдиган энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ишларни бажаришимиз талаб этилади.

Дилшод ТАЛИПОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда автомобиль транспорти соҳасида кўрсатилаётган хизматларни янада ривожлантириш ва уларнинг сифатини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада бошқарувни такомиллаштириш, автокорхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Бугун мамлакатимизда йўловчи ташиш транспортининг деярли барча тури ишлаб чиқарилмоқда. Йўловчилар хавфсизлиги қатор ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Натижада бугунги кунда Ўзбекистонда йўловчи ташиш автомобиль транспортларининг йўналишлари 4,3 мингдан ошди. Янги автовокзаллар ва автостанциялар барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Қарорда йўловчи ташишда фойдаланилаётган автостанцияларни янгилаш, йўналишларни белгилашда аҳоли зич яшаётган ҳудудлар қаторида энг чекка қишлоқлардаги йўналишларни ҳам эътиборга олиш ва кенгайтириш, автомобиль йўлларининг йўл қопламаларини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг автомобилларда ташувга бўлган талаб-эҳтиёжини тўлиқ қондиришни таъминлаш масалалари устувор этиб белгиланган.

Йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифалари, деб қайд этилган.

Бугунги кунда пойтахтимизда жамоат транспортида жорий этилаётган қулайликларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларига татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, транспорт воситаларининг бекатларга белгиланган вақтларда етиб келиши, турган ёки ҳаракатланаётган йўналиши ҳақида йўловчилар махсус электрон дастурлар орқали хабардор бўлиши автомобиль транспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди.

Қарорга мувофиқ 2017-2018 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унинг ижроси давомида янги 303 йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шундан 240 йўналиш шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновлар экани эътиборга моликдир. Натижада туман ва вилоят марказлари билан олис ҳудудлар ўртасидаги вақт ва маблағ сарфи одамлар фойдасига қисқариши баробарида мамлакатимиз автомобилсозлик корхоналари учун янги буюртмалар, барқарор янги иш ўринлари пайдо бўлишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 25 апрелдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2017-2021 йилларда автовокзаллар ва автошоҳбекатларни қуриш ва қайта тиклаш параметрлари тасдиқланди.

Унга кўра, 2021 йилгача мамлакатимизда 37 автовокзал ва автошоҳбекат қурилади, шунчаки қайта тикланади. Бу ишлар учун жами 23 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Автошоҳбекатлар, йўналишларнинг охирги бекатларини қуриш учун ер майдони ажратилаётганда уларнинг йўловчиларга қулай жойларда, хусусан, одам гавжум бўладиган темир йўл вокзаллари, бозорлар, аэропортларга яқин бўлишини ҳисобга олиш белгиланган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, автобус ва микроавтобусларда йўловчилар ташишни амалга оширишни марказлаштирилган ҳолда мониторинг олиб борилишини таъминлаш мақсадида "Vergodasturchilar markazi" (UZGPS) корхонаси томонидан Гулистон шаҳрида 60, Андижон шаҳрида 142 ҳамда "TELEMATIX" корхонаси томонидан Фарғона шаҳрида 108 автобусга уч ойлик синов муддати билан онлайн режимида масофадан кузатиш тизими – GPS трекерлари ўрнатилган.

2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури доирасида жорий йилда 86 автобус, жумладан, 26 шаҳар, 44 шаҳар атрофида ва 16 шаҳарлараро йўналишини очиш режалаштирилган. Ўтган даврда Наманганда саккизта, Сирдарёда бешта, Жиззахда тўртта, Қорақалпоғистон Республикасида учта, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва Навоийда иккитадан, Тошкент ва Фарғона вилоятларида биттадан янги автобус йўналиши ташкил этилди.

Навоий вилоятидаги "Учқудуқ Қимиз" корхонаси томонидан янги "Учқудуқ – Навоий", "Кармана автоэкспресс" корхонаси томонидан "Зарафшон – Навоий" йўналишларининг очилиши элликта иш ўрни яратилишига имкон яратди.

Йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда транспорт воситалари паркини янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳамкорликда "Исузу" русумидаги 270 автобус харид қилинган. Ҳозирги пайтда ушбу автобуслар йўналишларда хизмат кўрсатмоқда. Ташувчилар томонидан яна 123 дона "Исузу" автобусини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланган.

Янги автостанцияларни қуриш, эскиларини замонавий талаблар асосида қайта қуриш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Жорий йилда қурилиши кўзда тутилган еттита янги автостанциянинг барчасида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Андижондаги "Хонобод", Қашқадарёдаги "Яккабоғ" ва "Қамаши", Жиззахдаги "Жиззах" ва "Пахтакор", Қорақалпоғистон Республикасидаги "Мўйноқ" автостанцияларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳудудларда электрон тўлов тизимини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар транспорт тармоғида ҳам фаол амалга оширилмоқда. Йўловчиларга тўловларни электрон тарзда тўлаш имкониятини яратиш мақсадида "Yiwu Angnu Trading Company" компанияси (Хитой) томонидан ишлаб чиқарилган 200 валидатор, 30 минг NFC (контактсиз транзакция) электрон чипли карталари олиб келинган.

Андижон шаҳрида синов тариқасида ишга туширилган янги турдаги электрон қурилмалар ўзини тўла оқлади. Жорий йилнинг 1 май куни Андижон шаҳрида 150 автобусга валидаторлар ўрнатилиб, тизим расман ишга туширилди. Ҳозирги кунда Андижон шаҳридаги ўнта автобус бекатида йўловчиларга электрон тўлов карталарни сотиш ва маблағ билан тўлдириш хизматлари кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш керакки, йўл ҳақининг нақд пулсиз амалга оширилиши қатор қулайликларга эга. Йўловчи дастлаб автобекат ёки банк муассасасидан 15 минг сўмга (шундан 5 минг сўми йўловчининг ҳисобига туширилган) карта сотиб олади. Кейинчалик нақд пул тўлаш ёки банк пластик карточкасидан онлайн тартибда пул тушириш орқали ҳисобни тўлдириб бориши мумкин бўлади. Муддати икки йиллик бўлган карталардан бутун оила аъзолари фойдаланиши мумкин.

Картадан фойдаланиш тартиби жуда оддий. Чиптачи картани валидаторга теккизганда йўл ҳақи автоматик равишда белгиланган тариф бўйича ечиб олинади. Тўловни тасдиқлаш мақсадида сана, вақт, йўналиш номи, автобус ва карта рақами ҳамда қолган маблағ ҳақида ҳисоботлар қайд этилган чипта берилади. Чипта одатдаги чипталардек тўлов тасдиғи сифатида автобусдан тушгунга қадар сақланиши керак.

Мухтасар айтганда, автомобиль транспортида йўловчилар ташишда автобус йўналишларининг улушини оширишга қаратилган чора-тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, инсонлар соғлиғи ва экологияга учун зарарларни камайтириш, хусусан, атмосферага зарарли ташланмаларни қисқартириш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Бекзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ПЛАСТИК ГУВОҲНОМАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва пиёдаларга турли қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги "Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Вазирлар Маҳкамасининг "Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қарорга мувофиқ 2017 йил 1 октябрь – 2020 йил 31 декабрь даврида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарига алмаштириш ҳайдовчилар томонидан паспорт ва эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талони тақдим этилганда амалга оширилади.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси халқаро стандартлар асосида пластикдан тайёрланади. Гувоҳнома ўлчами 54x86 миллиметрни ташкил этади. Гувоҳноманинг ранги – оч пушти. Серияли рақами икки ҳарфли, номери олти рақамли бўлади. Гувоҳномада жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) ва қурилмалар ўртасида маълумотларни бевосита алоқасиз амалга ошириш имконини берувчи махсус электрон белги NFC смарт-карти бўлади.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг пластик шакли ҳимоя воситаларига эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради. Максимум 30 микрон ўлчамдаги "Haydovchilik guvohnomasi", "Водительское удостоверение", "Driving licence" ёзувли микроматн, ультрабинафша қоплама, эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган "UZ" ёзувли бўёқ, доимий равишда қийшайиб турадиган тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш, серияли рақамининг лазер ўйма нақши каби мукаммал ҳимоя воситаларга эга.

Гувоҳноманинг олд томонидан фотосурат учун жой назарда тутилган. "Haydovchilik guvohnomasi", "Водительское удостоверение", "Driving licence" сўзлари ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган. Ўзбекистон Республикасининг номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциянинг тегишли бандларида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Гувоҳноманинг орқа томонида Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциянинг тегишли бандларида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади. Алоҳида белгилар учун жой назарда тутилган. Янги нусхадаги гувоҳномада А, В, С, Д, ВЕ, СЕ ва ДЕ тоифалари бўлади. Ушбу тоифаларни бошқариш учун миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳақиқийлиги тегишли пиктограммалар билан ифодаланган.

Е тоифаси учга бўлинган. Бунда ВЕ – А тоифасига кирмайдиган, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи саккизтадан ошмайдиган автомобилларни тиркама билан бошқаришга, СЕ – Д тоифасига кирмайдиган, тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларини тиркама билан бошқаришга, ДЕ – йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи саккизтадан ортиқ автомобилларни тиркама билан бошқаришга рухсат берилишини билдиради.

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ҳам янгиланди. Бу гувоҳноманинг ўлчами ҳам 54x86 миллиметр бўлиб, пластикдан тайёрланади. Гувоҳноманинг ранги – кўк. Серияли рақами икки ҳарфли, номери олти рақамли бўлади. Гувоҳномада жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва қурилмалар ўртасида бевосита алоқасиз ахборот айирбошлаш имконини берувчи электрон белги NFC смарт-карти бўлади. Улар мукаммал ҳимоя воситаларига эга.

Гувоҳноманинг олд томонида "Avtomototransport vositasi ro`yxatdan o`tkazilganligi to`g`risida guvohnoma", "Свидетельство о регистрации автомототранспортного средства", "Vehicle license" сўзлари ёзилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган. "Ўзбекистон Республикаси" сўзи давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Автомототранспорт воситасининг давлат рақам белгиси, маркаси, модели, ранги, автомототранспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар, гувоҳнома берилган сана, Йўл ҳаракати бошқармасининг бўлими, жисмоний шахс учун – шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) мажбурий тартибда кўрсатилади.

Гувоҳноманинг орқа томонида автомототранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар, яъни ишлаб чиқарилган йили, тури, кузов/шоссе рақами, тўла вазни, юксиз вазни, двигателнинг тоифаси ва қуввати, ёнилғи тури, ўриндиқлар сони, тик туриладиган ўринлар сони ҳамда алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг янги босқичи бўлиб, босқичма-босқич автомототранспорт воситасини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда амалга оширилади. Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Давлат статистика қўмитасининг ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, белгиланган вазифалар доирасида давлат статистика органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Тадбирда, давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ушбу иллатни умуман йўқотиш ва бартараф этишда ходимларнинг билим ва тажрибаларини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартиб қоидалари, афзалликлари ва бу борада ҳисобот тақдим этувчилар учун яратилган имкониятлар ва қулайликлар, тадбиркорлар учун статистика соҳасига оид яратилган енгилликлар, тизимда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, давлат интерактив хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар ҳамда бу борада фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ва туман статистика бўлимлари масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган тадбирда статистика органларининг расмий веб-сайтларида давлат статистика ҳисоботларини электрон тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Ш.ДЖАНИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳудудий статистика органлари билан ишлаш бўлими бошлиғи

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган партия олдидаги долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш партия фаоллари ва депутатлар зиммасига қатор вазифаларни юклайди. Хусусан, ёшларимиз миллий қадриятларимизни, халқимизнинг бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиши, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб беришда партия ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

– Давлатимиз раҳбари "Ўз болангни ўзинг асра!" дея даъват этар экан, барча юртдошларимизни Ватан равнақи йўлида масъулиятни, ижтимоий бурчни чуқур ҳис этишга чорламоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов. – Ушбу шиор остида партия фаоллари ва депутатларимиз ёшларни турли оқимлардан асраб-авайлаш, адашган ёшларни тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришни мўлжалламоқда.

Анжуманда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳокимнинг ёшлар билан ишлаш ҳамда жамоатчилик ва диний ташкилотлар, хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари хонадонларга кириб бориши, фуқаролар билан суҳбат ўтказиб, муаммоларидан хабардор бўлишлари ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшишнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва муҳокамалар асосида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Г.БОБОЕВА

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари кечмоқда.

Тиббиёт

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Бу, албатта соғлиқни сақлаш тизимининг шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Зеро, Президентимиз ҳар бир маъруза ва нутқларида, учрашувларда халқимизни рози қилиш учун энг аввало, сифатли тиббий хизматга бўлган талабни қондириш ниҳоятда зарурлигини куюнчаклик билан бот-бот таъкидламоқда.

Юртбошимизнинг жорий йил 16 март куни имзолаган "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолига тез ва сифатли хизмат қилишда дастуруламал бўлмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган "Шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими: долзарб масалалар ва истиқболдаги режалар" мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шу хусусда сўз борди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази директори А.Худоёров ва бошқалар истиқлол йилларида юртимизда аҳолига шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзига хос инфратузилма яратилганини таъкидлади.


– Шошилинч ҳолатларда беморга ёрдам кўрсатиш учун зарур воситаларга эга бўлган шошилинч ёрдам бригадалари чақирилган жойларга зудлик билан етиб бориши муҳимдир,– дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ходими Бобур Шукуров. – Шундан келиб чиқиб, йил охиригача 1200 та тез тиббий ёрдамга ихтисослаштирилган автотранспорт воситаси сотиб олиниши режалаштирилган бўлса, шу кунларда зарур воситалар билан жиҳозланган 200 га яқин тиббий ёрдам автомашиналари харид қилиниб, эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларга етказиб берилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида шошилинч тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда етти миллиондан зиёд чақириқлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғига асосан, тез тиббий ёрдам хизматининг ҳар бир махсус бригадасида 41 номдаги, умумтармоқ бригадасида эса 36 номдаги дори воситалари бўлиши белгиланди ва уларни таъминлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бу каби ислоҳотларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, бирламчи тиббий бўғинда тиббий хизматнинг тезкорлигини таъминлаш, шу орқали шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий хизматга тушаётган юкламаларни енгиллаштириш мақсадида яқинда пойтахтимиздаги жами 60 та оилавий поликлиникаларнинг ҳар бирига иккитадан, жами 120 дона "ДАМАС" русумли автомашиналар топширилди. Эндиликда беморларнинг уйларига бориб, энг керакли тиббий муолажаларни амалга ошириш, зарур ҳолатларда уларни оилавий поликлиника ёки бошқа шифохоналарга етказиб бориш ҳамда патронаж хизматини кўрсатиш каби вазифалар ўз вақтида, кечиктирилмай амалга оширилади.

Тадбирда шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг сифат ва самарадорлигини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича Президентимиз томонидан белгиланган аниқ вазифалар ижроси ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА







Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТИМИЗ МАЛАЙЗИЯГА БОРАДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 4-7 июль кунлари Осиё футбол конфедерацияси Техник қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон футбол федерацияси техник директори Шавкат Имомов ҳам иштирок этади. Унда ОФК байроғи остидаги мусобақалар стратегиясининг техник жиҳатлари, болалар оммавий футболи бўйича Special Grassroot Awards мукофоти ҳамда ОФК бўйича йилнинг энг яхши аёл футболчисига алоҳида соврин таъсис этиш масалалари муҳокама қилинади.

ПЕШҚАДАМНИНГ ИККИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 15-тур беллашувлари бўлиб ўтди.

Турнинг марказий учрашуви "Бунёдкор" стадионида уюштирилди. Унда мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари "Бунёдкор" ҳамда "Локомотив" ўзаро куч синашди. Айтиш жоизки, "Тошкент дерби"си мақомини олган ушбу баҳс доимо мухлисларнинг диққат марказида бўлган. Чунки бу жамоалар ўртасидаги ўйин доимо қизиқарли, муросасиз кечган. Бу сафар ҳам мухлислар шиддатли, ҳужумкор футбол гувоҳи бўлишди. "Бунёдкор"га ғалаба келтирган ягона гол 71-дақиқада Ш.Нурматов томонидан киритилди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Обод" – "Пахтакор" – 1:4, "Динамо" – "Машъал" – 0:0, "Қизилқум" – "Шўртан" – 2:0, "Насаф" – "Навбаҳор" – 4:0, "Олмалиқ" – "Қўқон-1912" – 0:0, "Сўғдиёна" – "Бухоро" – 1:2, "Нефтчи" – "Металлург" – 0:2.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Россиянинг Калуга шаҳрида 15 ёшли чарм тўп усталари ўртасида уюштирилган халқаро турнирда қатнашган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги "Пахтакор" жамоаси Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

Гап шундаки, мусобақага пухта тайёргарлик кўрган ёш пахтакорчилар барча рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Халқаро турнир ғолиблиги учун Минскнинг "Динамо" жамоасига қарши кечган баҳсда пахтакорчилар 1:0 ҳисобида зафар қучишди ва якунда олтин медаллар билан тақдирланишди. "Пахтакор" аъзоси Игорь Чикризов энг яхши ҳужумчига аталган соврин соҳибига айланди.

Дарвоқе, Калуга шаҳридаги халқаро турнирда қатнашган Қаршининг "Насаф" жамоасига якунда 5-ўрин насиб этди. "Насаф" вакили Азизбек Ҳафизовнинг энг яхши ҳимоячи сифатида эътироф этилгани юртимиз истеъдодларга бой ўлка эканлигидан далолат беради. Халқаро турнир якунида "Насаф" мухлислар меҳрини қозонган жамоа мақомига эга бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЁШ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.

Тадбирнинг очилишида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари И.Шарипов, Ёнғин хавфсизлиги институти бошлиғи А.Қўлдошев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларни спортга кенг жалб қилиш, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу борада "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақасининг ҳам аҳамияти катта. Мусобақа Ички ишлар вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди. Беллашувнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан жамоалар иштирок этди.

Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини ёнғин ўчирувчи касбига қизиқтириш, ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини бажариш, ўқувчиларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича амалий кўникмалари ҳамда жисмоний тайёргарлигини ошириш, ёнғин хавфсизлиги хизматига муносиб, жисмонан соғлом ва жасур ўсмирларни тайёрлаш, ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қила билиш кўникмалари ва маҳоратини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида ёнғин ўчириш амалий спортини янада ривожлантиришдан иборат.

Мусобақанинг биринчи босқичи шаҳар, туманлар миқёсида ўтказилиб, ўқувчилар умумжисмоний тайёргарлик бўйича сараланди. Иккинчи босқич, яъни вилоят босқичида мусобақа назарий ва амалий шартлар асосида ўтказилди. Назарий шартга кўра, иштирокчиларнинг билим савияси тест синовлари орқали аниқланди. Ғолибликни қўлга киритган жамоа якуний босқичга йўлланма олди.

Мазкур босқичда иштирокчилар "Ёнғин ўчирувчилар эстафетаси", "Ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасига кўтарилиш" ҳамда "100 метрга тўсиқлар оша югуриш" шартлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти жамоаси ғолиб, деб топилди. Жиззахлик ёшлар иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси аъзолари учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ

Мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳамда уларни турли зарарли иллатлар ва оқимлардан асрашга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент фармацевтика институтида бир ҳафта давомида талабалар ўртасида "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари", "Жиноят учун жазо муқаррар", "Талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда таълим муассасаларининг ўрни", "Ҳаркатлар стратегиясини ўрганиш ва тарғиб этиш", "Коррупциянинг олдини олиш чоралари" каби мавзуларда ўтказилган тарғибот тадбирлари ҳам келажак авлоднинг онг ва тафаккурини янада теранлаштириш мақсадида ташкил этилди.

– Ушбу тадбирларни ўтказишимиздан мақсад, ёшларимизнинг келажагига таҳдид соладиган омилларга қарши курашиш, мустақил фикрли, соғлом тафаккурли ёшлар сафини кенгайтириш ва уларни турли салбий иллатлардан асрашдан иборат, – дейди Тошкент фармацевтика институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Оллоқул Худойбердиев биз билан суҳбатда. – Зеро, ёшларимизни турли хуружлардан асраш, уларни тўғри йўлдан адаштириб, ўз домига илинтириб манфаат кўришга ҳаракат қилаётган кучларга қарши курашиш энг муҳим ва долзарб масалага айланмоқда.

Тадбирда ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи омиллар, турли оқимлар таҳдиди хусусида сўз борди.

Учрашувда Миробод туман ички ишлар ва туман прокуратура ходимлари иштирок этиб мавзу доирасида ҳаётий мисоллар орқали ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Ўйлаймизки ёшлар ушбу тадбирдан ўзларига тегишли хулосаларни чиқариб оладилар.

Гулнигор САТТОРОВА

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Гиёҳвандлик бугунга келиб давримизнинг энг мудҳиш иллатларидан бирига айланди. Гиёҳвандлик балосига ружу қўйиш одамда аввало наша чекишдан бошланади. Кейинчалик ўрганиб қолишади, пул топиш илинжида уни қандай қилиб бўлмасин топиб, мўмай даромад қилишга ўтишади.

Муқаддам судланган Вали Наримонов 1944 йилда Россия Федерациясида туғилган, миллати тожик. Олий маълумотли, уч нафар фарзанди бор. У шу ёшида нафақа гаштини суриб, уйида ўтирса бўларди. Аммо Вали мўмай даромад топиш илинжида жиноятга қўл урди.

Унинг жиноий шериги Акмал Тўрабоев 1969 йили туғилган. Уч нафар фарзанди бор. Бир пайтлар Москва ва Иркутск шаҳарларига полиз экинларини олиб бориб сотиш билан шуғулланган. У В.Наримонов билан поездда танишган. Ўша пайтда Акмал Вали Наримоновнинг гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишини билган.

Учинчи судланувчи Темур Сайдалиев 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган, уч нафар фарзанди бор, бир вақтлар машинист бўлиб ишлаган.

Уларнинг жиноий фаолиятига назар ташласак, учаласи бирлашиб, наша истеъмол қилиш, гиёҳванд воситаларини айланма йўллар орқали қўшни республикадан олиб келиб, сотиш, шу орқали мўмай даромад қилиш ишлари билан шуғулланиб келишган.

Акмал Тўрабоевнинг таклифи билан Вали Наримонов Тошкент вилояти Бекобод туманига бориб, божхона назорати йўқ жойлардан Тожикистон Республикасига ўтиб, у ердан 1,5-2 кг миқдоридаги "гашиш" гиёҳвандлик воситасини айланма йўллар орқали Ўзбекистонга олиб ўтган. Бу гиёҳвандлик моддасини шериги А. Тўрабоевга 4-6 минг АҚШ долларига сотган. А. Тўрабоев ҳам ўз навбатида бу гиёҳвандлик воситасини "Қўйлиқ" деҳқон бозори ҳудудида тергов даврида шахси аниқланмаган қозоғистонлик бошқа шахсларга 8-10 минг АҚШ долларига пуллаган. В.Наримонов 2012 йилдан то қўлга тушгунга қадар Тожикистонга қатнаб, айланма йўллар орқали гиёҳвандлик воситасини олиб ўтиб юрган.

Темур Сайдалиев 2013 йилдан наша чекишни ўрганганлардан бири. Хумори тутган пайтда таниши А.Тўрабоевдан "дори"ни сотиб олиб турган. 2015 йил май ойи бошларида 50 грамм "гашиш" гиёҳванд моддасини 500 АҚШ долларига сотиб олган.

Бу уччала "дорифуруш"лар 2015 йил 7 июнь куни Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган "Қорадори" тезкор тадбири пайтида ушланган. Дастлаб, Т. Сайдалиевнинг машинаси тўхтатилиб кўздан кечирилганда, шимининг бел қисмига яширилган, полиэтилен пакетдаги қоғоз бўлакларга ғилофланган 11 дона ўрамларнинг ичидан 47,44 грамм оғирликдаги "гашиш" гиёҳванд воситаси чиққан.

Т. Сайдалиевнинг кўрсатмаларига асосан тадбир натижасида унинг жиноий шериги А. Тўрабоев қўлга олинган. Унинг хонадони кўздан кечирилганда 343,15 грамм гиёҳвандлик моддаси, қурилиши тугалланмаган меҳмонхонасидан 1,7 грамм "гашиш" ва 107,41 грамм "марихуана" гиёҳвандлик моддаси топилган. А. Тўрабоевнинг иш жойи миллий таомлар ошхонаси, хўжалик хоналари кўздан кечирилганда сейф ичидан шаффоф полиэтилен пакетга ўралган 48,12 грамм "марихуана" моддаси топилиб, расмийлаштирилган.

Шу куннинг ўзида Тошкент шаҳрида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланмасига бевосита боғлиқ бўлган хавфли жиноятчи Вали Наримонов ҳам қўлга олинди.

Суд мажлисида уччала жиноятчи ҳам ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдиришди.

Иш тафсилотларини ҳар томонлама кўриб чиққан суд ҳайъати жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, ҳар учала жиноятчига 11 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Судланувчилар ёшига назар солсангиз В. Наримонов 72 ёшда, Т.Сайдалиев 57 ёшда, А.Тўрабоев 50 га яқинлашиб қолган. Энди улар айни кексалик гаштини суриб, набиралар ардоғида бўладиган вақтларида, "ўйламай босилган қадам" жабрини тортадилар. Халқимиз орасида "Қилмиш-қидирмиш", "Кўза кунда эмас, кунида синади" деган ҳикматлар бежизга айтилмаган.

Ботир МИРҲАМИДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

"101"

ОГОҲЛИК ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Ёнғинлар профилактикаси куни" тадбири доирасида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари, ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

Мазкур тадбир давомида шаҳримиз ҳудудида жойлашган 303 та маскан, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текширув ҳамда профилактик кўрикдан ўтказилди. Текширувлар давомида 1821 та ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши ҳолатлари аниқланиб, улардан 1320 та камчиликлар жойида бартараф этилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

- уй ва ишдан чиқишдан, тунги дам олишга тайёргарлик кўришдан аввал газ ва электр мосламаларни текшириб, уларни ўчирилганлигини текшириш.

- гугурт ва бошқа тез алангаланувчи воситаларни болалардан узоқроқ жойга қўйиш, уларни ёлғиз ва назоратсиз қолдирмаслик;

- ёнғин содир бўлганда, ёнғин жойини зудлик билан тарк этинг ҳамда "101" телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

Д.УРМОНОВ,
12-ҲЁХО бошлиғи, подполковник

* * *

Халқимизда "Ҳар эҳтимолга қарши" деган ибора бор. Буни ҳар бир ишнинг охирини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўришга айтилади. Айни шу иборани ҳамшаҳарларимиз кўникмага айлантирсалар, кўпгина кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди. Хусусан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам.

Содир бўлаётган ёнғинларни ва улардан кўриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига амин бўламиз.

Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Дейлик, ёнғин ҳавфсизлигини таъминлашни олайлик. Оддийгина кўникмалар, кундалик ҳушёрликни ошириш ана шу офатнинг келиб чиқмаслигининг асосий омилидир.

Ғ.ИСАМБОЕВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашишни кучайтириш ва ёнғинларнинг олдини олишга барчанинг эътиборини жалб қилиш мақсадида доимий равишда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўларди. Ҳа, "тилсиз ёв" бўлмиш олов фасл, вақт, жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради.

Аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлишини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Зеро, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги ходимларининг вазифаси эмас. Бу ишга барчамиз бирдек масъулмиз.

Э.СУГУРБАЕВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори

ЎЗГИДРОМЕТ

37 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **30 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 35-*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 635
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Топшириш вақти: 13.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 13.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ